


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Х У К М

2025 йил июнь ойининг 24 куни, Жиноят ишлари бўйича Нишон туман суди, суд биноси ва Нишон тумани “Пахтакор” маҳалласи ҳудудида, очик сайёр суд мажлисида, шу суднинг раиси А.Қаҳҳаровнинг раислигида, халқ маслаҳатчилари И.Тошев ва Э.Узоқовлардан иборат таркибда, Ш.Исмоиловнинг котиблигида, тарафлардан: давлат айбловчиси Нишон тумани прокурорининг катта ёрдамчиси К.Шерназаров, жабрланувчилар ХХХ ва ХХХ, судланувчи ХХХ ва унинг ҳимоячиси-адвокат Ш.Суюновнинг иштирокида, ХХХга нисбатан 1-1813-2501/54-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди ва 28,211-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчилар ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини атрофлича текшириб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

ХХХ 2017 йил 28 февралда Давлат хизматлари маркази орқали турмуш ўртоғи [REDACTED] на номига “ХХХ” фермер хўжалигини рўйхатдан ўтказган ҳолда ташкил қилиб, 2024 йил 2 август куни тузилган ишончнома асосида фермер хўжалиги иш бошқарувчиси сифатида фаолият кўрсатиб келиб, Нишон тумани ҳокимининг 2020 йил 26 февралдаги НҚ-2127/10-сонли қарори билан фермер хўжалиги ҳисобига Нишон тумани, “Янгиобод” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 270, 269, 273, 272, 271-сонли контурлардан жами 79,92 гектар, шундан 70 гектар сувли ер майдонлари ғаллачилик-сабзавотчилик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадида 49 йил муддатга ажратиб берилганидан ўзининг текин даромад топишдаги ғараз ва паст ниятларини амалга оширишда фойдаланиб, 2025 йил 16 апрель куни Қамаши туманида яшовчи [REDACTED] на билан танишиб қолиб, ХХХ ер майдони сотиб олмоқчи бўлиб юрганини билганидан сўнг ўзганинг мол-мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида “ХХХ” фермер хўжалиги учун ажратилган сувли ер майдонидан 30 гектарини ҳар бир гектари учун 1.000 АҚШ долларида ҳисоблаб жами 30.000



АҚШ долларига сотишини айтиб, кадастр бўлимида ишловчи танишлари орқали ер майдонини номига 100-200 АҚШ доллари эвазига хужжатлаштириб беришини айтиб, уни кадастр бўлимида ишловчи мансабдор шахсларга 100-200 АҚШ доллари миқдорида пора беришга қизиқтириб ва далолат қилиб, ХХХни алдаб, ишончига кириб, 2025 йил 22 апрель куни соат 16:00ларда Нишон тумани, Нуристон шаҳарчасига кириб бориш йўлида ХХХдан келишилган 30.000 АҚШ долларидан сўмга нисбатан қиймати 193.635.000 сўмни ташкил қилган 15.000 АҚШ долларини олган вақтида ушланган.

Судланувчи ХХХ судда, айбига қисман иқрорлик билдириб, “ХХХ” фермер хўжалигини раиси турмуш ўртоғи ХХХ ҳисобланиши, ўзи фермер хўжалигида иш юритувчи бўлиб ишлаши, 2025 йил 16 апрель куни ХХХ исмли аёл билан танишиб қолгани, ХХХ деҳқончилик ишлари билан шуғулланишини, деҳқончилик қилиши учун ер майдони излаб юрганини айтгани, ўзи ХХХга ўзига тегишли фермер хўжалигини ер майдони борлигини, ер майдонини ижарага беришини, ер майдонини ҳар бир гектарини 1.000 АҚШ долларидан ижарага беришини айтгани, ХХХ 30 гектар ер майдонини сотиб олмоқчилигини айтиб, нархи қанча бўлишини сўраганида, 30 гектар ер майдонини 30.000 АҚШ долларига ижарага беришини айтгани, 2025 йил 18 апрель куни Қарши шаҳридаги “Орзу” бозори ёнида ХХХ билан учрашиб, 30 гектар ер майдонини 30.000 АҚШ долларига сотиши бўйича келишгани, сўнг 2025 йил 22 апрель куни соат 16:00ларда ХХХ билан Нишон тумани, Нуристон шаҳарчасига бурилиш жойида йўл ёқасида учрашиб, ХХХни автомашинасида Нишон тумани, “Янгиобод” маҳалласи ҳудудидаги “ХХХ” фермер хўжалиги ер майдонига олиб бориб ерларни кўрсатгани, ХХХга фермер хўжалиги ерларига сувни 1,5 км. узокликдан олиб келганини, 1 км.дан ортиқ жойдан электр энергияси тизимини тортиб келганини, столбалар ўрнатганини, анча харажат қилганини айтиб, ерга қилган харажатларини чиқариш учун ер майдонини сотаётганини айтгани, ХХХ ерни хужжатларини қандай қилиб беришини сўраганида, унга кадастр ташкилоти ходимларига 100-200 АҚШ доллари миқдорида пул берса хужжатларини қилиб беришини айтгани, сўнг Нишон тумани ҳудудидаги “Қарши-Талимаржон” йўлининг Нуристон шаҳарчасига бурилиш йўлининг ёнидаги бекат ёнида тўхтаб, ХХХ ва уни шериги ХХХлардан 15.000 АҚШ долларини олган вақтида ушлангани, 15.000 АҚШ доллари миқдорида пулни пора тариқасида бериш кераклигини айтмагани, 15.000 АҚШ долларини ер майдонини ижарага бериш мақсадида олгани, оилавий шароити оғирлиги ва қарамоғида ногирон фарзанди борлиги, қилмишидан чин кўнгиладан пушаймонлиги ҳақида баён қилиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи ХХХ видеоконференцалоқа режими орқали судда, судланувчи ХХХни олдиндан танимаслиги, таниши ХХХ билан ўзини иши билан юрганида кўчадаги танишларидан ХХХ исмли шахс ер майдонини сотаётганини эшитгани, сўнг 2025 йил 16 апрель куни ХХХни телефон рақамини топиб, унга кўнғироқ қилиб ер майдони олмоқчи бўлиб юрганини айтганида, ХХХ фермер хўжалигининг ерини сотмоқчилигини, истаса ерни кўриши мумкинлигини айтгани, ХХХдан ерни ҳар бир гектарини қанчадан сотмоқчилигини сўраганида, у ерни ҳар бир гектарини 1.000 АҚШ долларидан



сотишини айтгани, ХХХнинг гапларини ўзини телефон аппаратиغا таниши ХХХ билан бирга ёзиб олгани, ХХХнинг ҳаракатлари ноқонунийлигини билиб, бу ҳақда таниши ХХХ билан биргаликда Департаментнинг Нишон тумани бўлимига ариза билан мурожаат қилгани, тезкор тадбирда иштирок этишга ўз хоҳиши билан розилик бергани, сўнг 2025 йил 22 апрель куни унга бошқарма махсус фондидан 100 АҚШ доллари купюрадаги жами 15.000 АҚШ доллари ажратилиб, пулларга махсус қалам билан “Пора-2025” ёзуви ёзилиб, махсус кукун билан кимёвий ишлов берилиб, унга топширилгани, кейин шу куни 16:00ларда ХХХ билан Нишон тумани, Нуристон шаҳарчасига бурилиш жойида йўл ёқасида таниши ХХХ иштирокида учрашиб, ХХХни автомашинасига ХХХ билан бирга ўтиргани, ХХХ уни ва ХХХни Нишон тумани, “Янгиобод” маҳалласи ҳудудидаги “ХХХ” фермер хўжалиги ер майдонига олиб бориб ерларни кўрсатгани ҳамда бажарган ишларини айтиб бергани, ХХХ ерга қилган харажатларини чиқариш учун ер майдонини сотаётганини айтгани, ХХХдан ерни ҳужжатларини қандай қилиб беришини сўраганида, ХХХ унга кадастр ташкилоти ходимларига 100-200 АҚШ доллари миқдорида пул берса ҳужжатларини қилиб беришини айтгани, сўнг Нишон тумани ҳудудидаги “Қарши-Талимаржон” йўлининг Нуристон шаҳарчасига бурилиш йўлининг ёнидаги бекат ёнига қайтиб келишгани, шунда ХХХга автомашинаси ичида 15.000 АҚШ долларини ХХХ билан бирга бергани, ХХХ пулларни санаб олгани, шунда тезкор ходимларга хабар бергани, ХХХ 15.000 АҚШ долларини кадастр ходимларига пора тариқасида бериш кераклигини айтмагани, ХХХ ерни ҳужжатларини кадастр ходимларига 100-200 АҚШ доллари миқдорида пул бериб қилишини айтгани, судланувчи ХХХга ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақида баён қилди.

Жабрланувчи ХХХ судда, судланувчи ХХХни олдиндан танимаслиги, таниши ХХХ билан ўзини иши билан юрганида кўчадаги танишларидан ХХХ исмли шахс ер майдонини сотаётганини эшитгани, сўнг 2025 йил 16 апрель куни ХХХни телефон рақамини топиб, ХХХ ХХХга қўнғироқ қилиб ер майдони олмоқчи бўлиб юрганини айтганида, ХХХ фермер хўжалигининг ерини сотмоқчилигини, истаса ерни кўриши мумкинлигини айтгани, ХХХдан ерни ҳар бир гектарини қанчадан сотмоқчилигини сўрашганида, ХХХ ерни ҳар бир гектарини 1.000 АҚШ долларидан сотишини айтгани, ХХХнинг гапларини ХХХ ўзини телефон аппаратиغا ёзиб олгани, ХХХнинг ҳаракатлари ноқонунийлигини билиб, бу ҳақда таниши ХХХ билан биргаликда Департаментнинг Нишон тумани бўлимига ариза билан мурожаат қилгани, тезкор тадбирда иштирок этишга ўз хоҳиши билан розилик бергани, сўнг 2025 йил 22 апрель куни ХХХ ва ўзига бошқарма махсус фондидан 100 АҚШ доллари купюрадаги жами 15.000 АҚШ доллари ажратилиб, пулларга махсус қалам билан “Пора-2025” ёзуви ёзилиб, махсус кукун билан кимёвий ишлов берилиб, топширилгани, кейин шу куни 16:00ларда ХХХ билан Нишон тумани, Нуристон шаҳарчасига бурилиш жойида йўл ёқасида таниши ХХХ иштирокида учрашиб, ХХХни автомашинасига ХХХ билан бирга ўтиргани, ХХХ уни ва ХХХни Нишон тумани, “Янгиобод” маҳалласи ҳудудидаги “ХХХ” фермер хўжалиги ер майдонига олиб бориб ерларни кўрсатгани ҳамда бажарган ишларини айтиб бергани, ХХХ ерга қилган харажатларини чиқариш



учун ер майдонини сотаётганини айтгани, ХХХ ХХХдан ерни хужжатларини қандай қилиб беришини сўраганида, ХХХ унга кадастр ташкилоти ходимларига 100-200 АҚШ доллари миқдорида пул берса хужжатларини қилиб беришини айтгани, сўнг Нишон тумани худудидаги “Қарши-Талимаржон” йўлининг Нуристон шаҳарчасига бурилиш йўлининг ёнидаги бекат ёнига қайтиб келишгани, шунда ХХХга автомашинаси ичида 15.000 АҚШ долларини ХХХ билан бирга бергани, ХХХ пулларни санаб олгани, шунда тезкор ходимларга хабар берилгани, ХХХ 15.000 АҚШ долларини кадастр ходимларига пора тариқасида бериши кераклигини айтмагани, ХХХ ерни хужжатларини кадастр ходимларига 100-200 АҚШ доллари миқдорида пул бериб қилишини айтгани, судланувчи ХХХга ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақида баён қилди.

Гувоҳ [REDACTED] судда, 2025 йил 22 апрель куни ўзининг ишлари билан Қарши шаҳрида юрганида, фуқаролик кийимидаги Департаментнинг Нишон туман бўлими ходимлари келишиб, ўзларини таништиришиб, тезкор тадбир ўтказилаётганини, шу тадбирда холис сифатида иштирок этишини сўрашгани, тезкор тадбирда холис сифатида иштирок этишга ўз хоҳиши билан розилик билдиргани, унга холисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилгани, ўзи билан бирга яна бир киши холис бўлиб иштирок этгани, уларни Департамент биносига олиб боришгани, Департамент биносида ХХХ ва ХХХларни аризаси ўқиб эшиттирилгани ҳамда ХХХга 100 АҚШ доллари купюралари жами 15.000 АҚШ доллари хужжатлаштириб берилгани, 15.000 АҚШ долларидан 4 донасининг ички қисмига махсус қалам билан “Пора-2025” ёзуви ёзилгани ва ушбу пулларга махсус кукун ёрдамида кимёвий ишлов берилгани, 15.000 АҚШ доллари пора талаб қилувчига бериш учун ХХХга топширилгани, ХХХга суҳбатларни ёзиб олиш учун “SAVETEK” русумли овоз ёзиш мосламаси ҳам топширилгани, кейин ХХХ ва ХХХлар пора талаб қилувчи билан телефон орқали гаплашиб, Нишон тумани худудидаги “Қарши-Талимаржон” йўлидаги Нуристон шаҳарчасига бурилиш жойида катта йўл ёқасида учрашишга келишишгани, сўнг тадбир иштирокчилари билан Нишон тумани худудидаги “Қарши-Талимаржон” йўлидаги Нуристон шаҳарчасига бурилиш жойига борилиб, узоқдан ҳолатни кузатиб туришгани, бироздан сўнг “Ласетти” русумли автомашина келиб тўхтагани ҳамда ушбу автомашинага ХХХ ва ХХХлар миниб қаергадир кетишгани, бироздан сўнг улар яна шу автомашинада Нишон туманидаги “Қарши-Талимаржон” йўлининг Нуристон шаҳарчасига бурилиш йўлининг ёнидаги бекат олдига қайтиб келишгани, бироздан сўнг ХХХ пулни берганлиги бўйича тегишли ишорани бергани, сўнг тезкор ходимлар 15.000 АҚШ долларини олган ўзини ХХХ деб таништирган шахсни ушлашгани ҳамда 15.000 АҚШ долларини хужжатлаштириб олишгани, ХХХни қўлларидан суртмалар олингани, кейин расмийлаштирилган барча хужжатларни имзо қўйиб бергани, тезкор тадбирда ноқонуний ҳаракатлар содир қилинмагани ҳақида баён қилди.

Суд хайъати, давлат айбловчисининг хулосасини ва ҳимоячининг фикрини тинглаб, судланувчи, жабрланувчилар ва гувоҳнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб, ХХХнинг содир этган



жиноятлари, юқорида келтирилган далиллардан ташқари, ариза, суҳбатлар ёзиб олинган дискдаги аудиоёзувларни эшитиб кўриш ҳақидаги баённома ва сўзлашувлар стенограммаси, пулларни кўздан кечириш, уларга кимёвий ишлов бериш ва ишлов берилган пулни ҳамда овоз ёзиш мосламасини топшириш ҳақидаги баённома, ҳодиса содир бўлган жойни видеокамера қўлланилган ҳолда кўздан кечириш ва ашёвий далил билан ушлаш ҳамда диктофонни қайтариш олиш ҳақидаги баённома, суд-кимёвий экспертизасининг хулосаси, ашёвий далил деб эътироф этиш ҳақидаги қарор, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.

Суд ҳайъати, тергов органи томонидан судланувчи ХХХнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди ва 211-моддаси 3-қисми “а” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 211-моддаси 3-қисми “а” банди бўйича жиноий жавобгарлик жуда кўп миқдорда пора берилган ҳолатда юзага келади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли Қарорининг 24-банди учинчи хатбошисида, агар қимматликларни эгаллаш мақсадида уларнинг эгаси айбдор томонидан пора беришга далолат этилган бўлса, унинг ҳаракатлари фирибгарликдан ташқари пора беришга далолат этиш сифатида қўшимча квалификация қилиниши лозимлиги;

Олий суд Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 19-сонли Қарорининг 10-бандида, жиноятни тавсифлаш пора миқдорига боғлиқлигини эътиборга олган ҳолда, ҳар қандай пора предметининг қиймати товарларнинг нархи, хизматларнинг ҳақи ёки тарифи асосида, улар бўлмаганда экспертлар хулосаси асосида аниқланади. Агарда кўп ёки жуда кўп миқдорда ноқонуний тақдирлаш бўлиб-бўлиб олинган бўлса ва бу ҳаракатлар ягона давомли жиноятнинг бир қисми бўлса, содир этилган ҳаракатлар тегишлича кўп ёки жуда кўп миқдорда пора олиш деб баҳоланиши лозимлиги;

15-бандида, агар айбдор пора берувчидан мансабдор шахсга бериш учун деб пора тариқасида пул ёки бошқа бойликларни олганида ва бундай қилмишни хоҳламасдан, уларни ўзлаштириб юборганда, қилмиш фирибгарлик деб тавсифланиши лозим. Бойликларни қўлга киритиш мақсадида пора берувчи улар томонидан пора беришга оғдирилган тақдирда айбдорнинг ҳаракатлари фирибгарликдан ташқари пора беришга қизиқтирувчи тариқасида қўшимча тавсифланиши керак. Бу ўринда пора берилиши мўлжалланган муайян мансабдор шахс айтилган-айтилмаганлигининг аҳамияти бўлмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд терговда аниқланган ҳолатларга ва ишда мавжуд бўлган аудиоёзувларга кўра, судланувчи ХХХ жабрланувчи ХХХга кадастр идорасида ишловчи танишларига 100-200 АҚШ доллари миқдорида пора бериш орқали ер майдонини ҳужжатлаштириб беришини билдирган, судланувчи ХХХ жабрланувчилар ХХХни кўп ёки жуда кўп миқдорда пора



беришга далолат қилмаган, ХХХ ер майдонини ҳар бир гектарини 1.000 АҚШ долларидан сотишга келишиб, 30 гектар ер майдонини 30.000 АҚШ долларига сотишини айтиб, ер майдони учун 15.000 АҚШ долларини олган вақтида ушланган, ушбу 15.000 АҚШ доллари фирибгарлик жиноятини миқдори ҳисобланади, пора беришга далолат қилиш жиноятининг миқдори эса 100-200 АҚШ доллари ҳисобланади, 100-200 АҚШ доллари кўп ёки жуда кўп миқдорни ташкил қилмайди.

Шунингдек, тергов органи томонидан судланувчи ХХХга кадастр бўлимида ишловчи танишлари орқали ер майдонини номига 100-200 АҚШ доллари эвазига ҳужжатлаштириб беришини айтиб, пора беришга далолат қилганликда айблов эълон қилган бир вазиятда, уни ҳаракатларини жуда кўп миқдор белгиси асосида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 211-моддаси 3-қисми “а” банди билан квалификация қилиб қўпол хатоликка йўл қўйган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси талабига кўра, жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак. Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 26-моддасида, суд фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб ҳукм чиқариши;

ЖПКнинг 23-моддасида, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 4-бандида, иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкин. Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Судланувчини жиноятни содир қилганлигини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳар бир далил, ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлиги;

16-бандида, ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади. Айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа



ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиними лозим. Шундан келиб чиқиб, судланувчи томонидан терговда ёки судда айбини бўйнига олиш ҳолати у иш бўйича тўпланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар билан холисона исботланган тақдирдагина айблов ҳукми чиқаришга асос бўла олиши ҳақида тушунтириш берилган.

Шу боис, суд ҳайъати, судланувчи ХХХнинг жабрланувчи ХХХни кадастр ходимларига 100-200 АҚШ доллари миқдоридан пора беришга далолат қилиб, қизиқтирганликдаги жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 211-моддаси 3-қисми “а” бандидан ЖКнинг 28,211-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25-моддаси иккинчи қисмида, қасддан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли Қарорининг 7-бандида, мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгаллигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилиши;

20-банди тўртинчи хатбошисида, агар шахснинг қасди ўзганинг мулкани анча, кўп ёки жуда кўп миқдорда эгаллашга йўналтирилган бўлиб, у айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, қилмиш ҳақиқатда талон-торож қилинган мулк қийматидан қатъий назар, қасд йўналтирилганлигидан келиб чиқиб, анча, кўп ёки жуда кўп миқдордаги фирибгарликка суиқасд сифатида квалификация қилиниши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, судланувчи ХХХ жабрланувчилар ХХХга 30 гектар ер майдонини ҳар бир гектарини 1.000 АҚШ долларидан сотишини айтиб, 30 гектар ер майдонини 30.000 АҚШ долларига сотишга келишиб, шундан 15.000 АҚШ долларини олаётган вақтида ушланган, судланувчи ХХХнинг қасди ўзганинг жами 30.000 АҚШ долларини эгаллашга йўналтирилган, ХХХ ушбу суммадан 15.000 АҚШ долларини олган вақтида ушланганлиги сабабли ўзининг қасди йўналтирилган қолган 15.000 АҚШ долларини ололмаган.

Ушбу асосларга кўра, суд ҳайъати, судланувчи ХХХнинг қасди ўзганинг жуда кўп миқдордаги 30.000 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритишга қаратилганлигини, пулни олган вақтида ушланганлигини ва пулдан ўз хоҳишича фойдаланиш имкониятига эга бўлмаганлигини инобатга олиб, судланувчи ХХХнинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” бандидан ЖКнинг 25,168-моддаси 4-қисми “а” бандига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 26-бандида, судланувчи томонидан содир этилган бир жиноят, жиноят қонунининг бир неча



моддалари билан хато тавсифланганда ёки бир неча содир этилган жиноятларини жиноят қонунининг оғирроқ жазони тақозо қилувчи биргина моддаси билан тавсифлаш ўрнига асоссиз равишда жиноят қонунини бир моддасининг бир неча қисмлари билан тавсифланганда, суд ҳукмининг тавсиф қисмида судланувчига хато қўйилган ЖКнинг моддаси (моддаси қисми ёки банди) чиқариб ташлаш тўғрисида ҳам тегишли асослар келтирган ҳолда кўрсатиб ўтиши етарли эканлиги қайд қилинган.

Суд ҳайъати, мазкур пленум қарори талабидан келиб чиқиб, судланувчига нисбатан эълон қилинган ва ҳукмнинг тавсиф қисмида унинг айбини қайта квалификация қилиниши асослантирилган бўлиб, ҳукмнинг қарор қисмида қайд этишни лозим эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси талабига кўра, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши;

37-бандида, ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан, моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.)лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд ҳайъати, судланувчи ХХХга жазо тури ва миқдорини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55 ва 56-моддалари талабларига риоя қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг раҳбарий кўрсатмалари талабидан келиб чиққан ҳолда, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, муқаддам судланмаганлигини, етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини, ёшини, айбига иқрор ва қилмишидан чин кўнгилдан



пушаймонлигини, жабрланувчиларнинг даъволари йўқлигини, қарамоғида ногирон фарзанди борлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланиб, кафолат хати тақдим қилинганлигини инобатга олиб, унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 4-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазо, яъни ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 28,211-моддаси 1-қисми билан модда санкцияси доирасида ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки ўқиш жойига бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишни чеклашдан иборат бўлган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, ЖКнинг 61-моддасига асосан ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунини озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштириб ҳисоблаб, ЖКнинг 59-моддасига асосан тайинланаётган жазоларни бир-бирига қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи тариқасида узил-кесил ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки ўқиш жойига бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишни чеклашдан иборат бўлган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, у фермер хўжалигида иш юритувчи сифатида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётганлигини инобатга олиб, унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасини қўллаган ҳолда қўшимча жазо тайинлаш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаб, қўшимча жазо тайинламасликни, озодликни чеклаш жазосини ўташ даврида маҳкумнинг зиммасига содир этилган жиноятининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда қўшимча тақиқларни (чеклашларни) юклатишни, унга қўлланилган гаров эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилиб, гаров мулкани гаровга қўювчига қайтаришни;

Ёзма далил деб эътироф этилган субҳатлар ёзиб олинган диск, экспертиза хулосаси, овозли ёзувларни эшитиб кўриш ва стенограмма қилиш ҳақидаги баённомалар жиноят ишига қўшилганлигини инобатга олишни;

Ашёвий далил деб эътироф этилган тезкор тадбирда фойдаланилган 15.000 АҚШ доллари тергов давомида Департаментнинг Нишон тумани катта тезкор вакили ХХХга тилхат орқали қайтарилганлигини инобатга олишни;

Ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят иши билан бирга сақланаётган судланувчи ХХХнинг ўнг ва чап қўлларидан олинган суртмаларни, резина қўлқопларни, тоза бинт намуналарини, махсус қалам ва махсус кукун намуналарини ва ишлатилган бинтлар ўралган жами 10 дона ок рангли қоғоз хатжилдлари(конвертлар)ни ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилишни;

Ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят иши билан бирга сақланаётган “ХХХ” фермер хўжалигига тегишли бўлган думалоқ шаклдаги муҳрни ҳукм қонуний кучга киргач “ХХХ” фермер хўжалиги иш юритувчиси, яъни судланувчи ХХХга қайтаришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддаси биринчи бандида, гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли бўлган жиноят қуроллари мусодара қилиниши керак ва улар тегишли муассасаларга топширилади ёки йўқ қилиб юборилади. Гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли бўлмаган мол-мулк қонуний эгаларига,



мулкдорларига ёки уларнинг ҳуқуқий ворисларига, шунингдек меросхўрларига қайтариб берилиши кўрсатилган.

Жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган “Ласетти” русумли ХХХ давлат рақамли автомашина бевосита жиноят содир этиш курули ҳисобланмайди, транспорт воситасидан фойдаланиб жиноят содир қилинмаган, тергов органи томонидан ушбу автомашина жиноят курули деб эътироф этилмаган, 15.000 АҚШ долларини транспорт воситасидан фойдаланмасдан туриб ҳам олиб юриш ёки бир жойдан иккинчи жойга кўчириш мумкин, 15.000 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан олишдаги жиноятни содир қилишга транспорт воситасининг алоқаси йўқ.

Шу боис суд хайъати, ашёвий далил деб эътироф этилган “Ласетти” русумли ХХХ давлат рақамли автомашинани қонуний эгаси ХХХга қайтаришни лозим топади.

Суд хайъати, жабрланувчилар ХХХ ва ХХХларга мазкур жиноят иши бўйича ўзларига етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризалари билан мурожаат қилиш ҳуқуқлари борлигини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд хайъати

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

ХХХ (ХХХ) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 4-қисми “а” банди ва 28,211-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

ХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 4-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

ХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 1-қисми билан ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки ўқиш жойига бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда

_____ -хонадондан чиқиши чекланган ҳолда, 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

ХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61, 59-моддаларига асосан тайинланган жазоларни бир-бирига қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи тарикасида узил-кесил ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки ўқиш жойига бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда Нишон тумани, “_____”

_____ -хонадондан чиқиши чекланган ҳолда, 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Тайинланган озодликни чеклаш жазоси Нишон тумани ИИБ Пробация гуруҳи назорати остида ўтаттирилсин.

Тайинланган озодликни чеклаш жазосини муддати маҳкум жазоларни ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.



ХХХнинг зиммасига озодликни чеклаш жазосини ўташ даврида куйидаги қўшимча тақиқлар (чеклашлар), яъни:

Муайян жойларга, яъни ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекаларга бормаслик;

Нишон тумани ИИБ жазоларни ижро этиш инспекциясининг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Қашқадарё вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик юклатилсин.

ХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси олтинчи бандидаги талаблар, яъни озодликни чеклаш тариқасида жазони ўташдан қасддан бўйин товласа, шунингдек, суд томонидан ўзининг зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаса, жазо бошқа турдаги жазо билан алмаштирилиши мумкинлиги тушунтирилсин.

ХХХга қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин ҳамда Қашқадарё вилояти прокуратурасининг “Алоқабанк”даги депозит ҳисоб рақамига 2025 йил 8 майдаги патта орқали тўланган 10.000.000 сўм гаров пулини гаровга қўювчи ХХХга қайтарилсин.

Ёзма далил деб эътироф этилган субҳатлар ёзиб олинган диск, экспертиза хулосаси, овозли ёзувларни эшитиб кўриш ва стенограмма қилиш ҳақидаги баённомалар жиноят ишига қўшилганлиги инобатга олинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган тезкор тадбирда фойдаланилган 15.000 АҚШ доллари тергов давомида Департаментнинг Нишон тумани катта тезкор вакили ХХХга тилхат орқали қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят иши билан бирга сақланаётган судланувчи ХХХнинг ўнг ва чап қўлларидан олинган суртмаларни, резина қўлқопларни, тоза бинт намуналарини, махсус қалам ва махсус кукун намуналарини ва ишлатилган бинтлар ўралган жами 10 дона ок рангли қоғоз хатжилдлари(конвертлар) ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят иши билан бирга сақланаётган “ХХХ” фермер хўжалигига тегишли бўлган думалоқ шаклдаги муҳр ҳукм қонуний кучга киргач “ХХХ” фермер хўжалиги иш юритувчиси, яъни судланувчи ХХХга қайтарилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилиб, Нишон туманидаги “Азим Нишон” хусусий корхонасига қарашли вақтинча сақлаш жойида сақланаётган “Ласетти” русумли ХХХ давлат рақамли автомашина қонуний эгаси ХХХга қайтарилсин.

Жабрланувчилар ХХХ ва ХХХларга мазкур жиноят иши бўйича ўзларига етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризалари билан мурожаат қилиш ҳуқуқлари борлиги тушунтирилсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида, Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.



Раислик қилувчи:

А.Қаҳҳаров

Халқ маслаҳатчилари:

И.Тошев

Э.Узоқов

